



MUZRAVOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqqan boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2026-yil 20-mart
Juma № 5-6 (4526)

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ўн саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Уни Кенгаш раиси С.Нурмаҳматов олиб борди. Сессия ишида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда кун тартибига алоқадор корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияда “Музработ тумани маҳаллий бюджетининг 2026 йил бошида шаклланди эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 йил ичида ҳудудларни янгилаш ёндашувлари асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сон қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида” туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Жолиёзов, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп қаватли уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаш-

тириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-48-сон қарорининг тумандаги ижросини таъминлаш тўғрисида” халқ депутатлари туман Кенгашининг аграр, қурилиш, коммунал соҳанинг “2026 йил ичида ҳудудларни янгилаш ёндашувлари асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сон қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида” туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Жолиёзов, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп қаватли уйлари бошқариш тизимини янада такомиллаш-

ри тўғрисида” халқ депутатлари туман Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш, давлат органларида очиқни таъминлаш ва ҳуқуқий масалалар бўйича доимий комиссияси раиси Т.Тангиров, “Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши ҳузуридаги камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ масалалар бўйича муваққат комиссиясининг камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклаштириш тўғрисида” 2025 йил 29 мартдаги 06-27/148-сон қарорининг 1-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

ри ҳақида” халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар бўйича доимий комиссияси раиси Л.Мусаев, маъруза қилдилар.

Шундан сўнг сессияда “Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантиришга доир устувор вазифаларнинг амалга оширилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида” 2021 йил 29 мартдаги 06-27/148-сон қарорининг 1-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Депутатлар сессия кун тартибидан муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз муносабатлари, тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн саккизинчи сессияси ўз ишини аяқлади.

Музработ тумани Ҳокими Абдулла Абдумўминович Маматқуловнинг байрам табриги

Ассалому алайкум, азиз ва муҳтарам тумандошлар!

Сиз, азиз юртдошларимиз, кўп миллатли халқимизни барчамиз орзиқиб кутган улуғ айём – Наврўзи олам билан самимий муборакбод этаман. Бугунги кутлуг байрамнинг муборак Рамазон ойига тўғри келгани унинг маънавий мазмуни ва файзини янада оширмоқда.

Наврўз – янгилик, эзгулик ва умидлар байрами. Бу кунларда табиат уйғонади, янги ҳаёт нафаси бошланади. Ҳозирги кунда бутун юртимиз каби гўзал Музработ туманимиз ҳам ҳақиқий байрамона муҳитга бурканган. Туманимизнинг ям-яшил қир-адирларида халқимиз сайил-томшалар уюштириб, Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

“Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашдир” деган эзгу гоя атрофида бирлашган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан вилоятимизда, шунингдек, туманимизда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги замонавий корхоналар, шинам уй-жойлар, ижтимоий ва маданий объектлар, йўл ва кўприклар, бог ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Натijaда туманимиз қиёфаси кун сайин янада обод ва кўркем бўлиб бормоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Наврўз арафасида туманимизда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда ҳашарлар ташкил этилмоқда, кўчалар ва хонадонлар ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётган. Хусусан, “Яшил макон” умумийлик лойиҳаси доирасида минглаб мевали ва манзарали кўчатлар экилмоқда, янги боғлар барпо этилмоқда.

Хуррамлик байрам иштирокчилари!

Маълумки, мамлакатимизда жорий йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинди. Бу борада маҳаллаларни кўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллани кўллаб-қувватлаш кенгашлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилди. Шунингдек, барча йўналишда бўйича “маҳалла еттилик” тизими самарали фаолият юритмоқда. Бу жараёнда аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишини таъминлаш, кичик ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Айни пайтда туманимиздаги 25926 та хонадоннинг 65 фоиздан ортиқ қисми ўз томорқа-



ларидан самарали фойдаланиб, оила даромадини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу, аввало, халқимизга хос меҳнатсеварлик, ерга меҳр қўйиш ва риқ-рўзни ҳалол меҳнат билан топишдек юксак қадриятларнинг ёрқин ифодасидир.

Шу қаторда айтиш жоизки сўнгги йилларда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича ҳам муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, туманимизда 1311 нафар аҳолига 17 миллиард 32,1 миллион сўм имтиёзли кредит, 17 нафар фуқарога 199,5 миллион сўмдан зиёд субсидиялар ажратилди. Шу билан бирга, бўш ер майдонларида саноатбоп дарахтлар етиштириш, чорвачилик, ривожлик, паррандачилик ва асарчиликни ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд оилаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида туманимизда ҳам кенг қўламли хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 3350 нафар кам таъминланган оилаларга бир марталиқ моддий ёрдамлар кўрсатилди, 2200 дан зиёд эҳтиёжманд хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Азиз ва муҳтарам тумандошлар!

Тинч ва осуда юртимизда мана шундай қувончли айёмларни биргаликда нишонлаш барчамиз учун катта бахтдир. Бахорий Наврўз байрами муносибати билан барчангизга мустаҳкам соғлиқ, янги ютуқлар, оилавий бахт ва фаровонлик тилайман.

**Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!**

Мавсум яқин

Чигит экиш бўйича амалий семинар ўтказилди

Туманимизнинг Р.Бўриев ҳудудидаги “GFORLD TERMEZ” МЧЖ дала майдонида 2026 йил пахта ҳосили учун плёнқа остида “Шинжон” усулида чигит экиш ва мавсумга тайёргарлик кўриш, шунингдек, ғалладан юқори ҳосил олиш масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Семинарда Музработ тумани Ҳокими Абдулла Маматқулов, туман прокурори И.Хужамуродов, туман ИИБ бошлиғи Ф.Бадалов, хитойлик мутахассислар, вилоятдан бириктирилган вакиллар ҳамда тумандаги барча кластер ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этди. Тадбир давомида асосий



этибор замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланган ҳолда “Шинжон” усули-

да чигит экиш технологиясига қаратилди. Хитойлик ва маҳаллий мутахассислар томонидан

мазкур усулнинг афзалликлари фермерларга амалда кўрсатиб берилди. Ушбу технология орқали чигитни плёнқа остида экиш, сув ва ўғит сарфини тежаш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришиш имкониятлари батафсил тушунтирилди.

Таъкидланганидек, мазкур семинардан кўзланган асосий мақсад – фермер хўжалиқларида илгор агротехнологияларни жорий этиш орқали пахта ва ғалладан юқори ҳосилдорликка эришиш, фермерларнинг амалий билим ва тажрибасини янада оширишдан иборат.

**Музработ тумани
ҳокимлиги
Ахборот хизмати.**

Баҳор – мўъжиза фасл! Бунда бутун рўйи жаҳон жонланади. Куртак қобик ёриб нишонлаши, бойчечак юз очиб юлдузланиши, ҳатто инсон ботинидаги туйғулариининг жумбушга келиши ҳақиқий мўъжизанинг ўзгинаси...

Куйидаги шеърим ҳам ана шу илоҳий исённинг ҳосиласи:

Шу кўхна заминнинг боқий айёми,
Хуш келдинг, қалбларни тўлдириб яна.
Уйғонмоқда борлик, жонлиқлар жами,
Наврўзим, таширфинг эзгу тантана.
Димогимга тўйдим яшноқ кўламинг,
Ўзгача сурур-ла маст-у аластан.
Қушлар парвозида аён кўламинг,
Сумалакка мафун, чечакпарастман.



Наврўз ҳақида Абу Райҳон Беруний “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” номи китобида қимматли маълумотлар бериб, унда кичик байрам фарвордин ойининг олтинчи кунига давом этганини таъкидлаган. Ушбу ойнинг олтинчи куни “Катта Наврўз”нинг моҳиятини бевосита табиат билан боғлайди ва бу ҳақда шундай ёзади: “...У бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламининг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”. Бу фикрлар Наврўзнинг қадимдан табиат ва баҳор байрами бўлгани яна бир бор исботлайди.

Тарихан Наврўз турли тақдирларга дуч келди. Хусусан, грек-македон ва араб истилоси даврларида, кейинчалик шўровийлар

Кўхна заминнинг боқий айёми

Репортаж



даврида чеккага суриб қўйилди. Исломи дини пайдо бўлмасидан анча аввал мавжуд бўлган Наврўз “диний байрам” сифатида қатағонга учради. Минг шукурки, истиқлол туфайли ота-боболаримизнинг мингйилликларга бориб такаладиган удуми, миллий қадриятларимиз жаранги – Наврўз яна шуқуҳи ва таровати-ла дилларимизни сурурга тўлдирмоқда.



нинг шонли ўттиз бешинчи йили Наврўзи ҳар қачонгидан-да ўзгача тароват касб этмоқда. Йилбошининг Моҳи Рамазон якуни, рўза ҳайитига тўғри келишида илоҳий ва

рамзий маъно мужассам. Эзгу урф-одат ва аъналаримизнинг таркибий қисми бўлган амаллар – мискинлар, ёлғизлар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, хонадон ва дарахтлар оқланди, ҳовли-ю кўчалар тозаланди.

Байрам тантанасидан бир кун олдинги кундаги совуқ ҳаво тумандошларимиз кайфиятига асло таъсир кўрсатмади. Тайёргарлик қизгин кечди. Туман масъуллари бошчилигида хизматчилар учун кичик иф-



торлик ташкиллаштирилди. Жараёнларни фотоаппаратимга муҳрлаш истагида ўйингоҳ узра кезарканман, ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдим. Катта дошқозонда Наврўзнинг шоҳ таоми бўлмиш сумалак қайнамоқда. Сумалакнинг келиб чиқиш тарихи, яъни Биби Фотима ва “си малак” – ўттиз малак ҳақидаги афсона барчага маълум. Тасаввурингизни қийнаш ниятим йўқ, аммо ўша кун шундай манзарани гувоҳи бўлдим. Туман Ҳокимининг маслаҳатчиси, музработликларнинг онахони Фотима хожи Норматова бошчилигидаги фаришталар қозонга кўр бериб, ўйин-кулгини авжлантиришарди.

Байрам куни эрталабдан туман марказидаги спорт мажмуаси одамлар билан



тўлди. Кенг майдон узра барпо этилган кўрғонлар, турли хил байроқчалар, шарлар, паннолар ва кўчма ўйингоҳлар байрамга ўзгача шуқуҳ улашган бўлса, миллий кийимларда товланиб ўтаётган ёшлар, ўрта ёш ва нуруний бобо-момоларнинг фаол иштироки, халқ термалари ва лапарлардан намуналар куйлаши яшариш айёмига бўлган эҳтиром янглиғ сас сочди.

Бошловчилар томонидан майдоннинг бадий марказига туман Ҳокими Абдулла Маматқулов чорланди. Ҳоким табрик нутқи сўзлаб, барча-барчани Наврўзи олам билан муборакбод этди. Шундан сўнг байрамда ўз кўрғамалари билан фаол қатнашган туман хотин-қизлар бўлими 3-, туман тиббиёт бўлими 2-, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими 1-ўринларга муносиб кўрилди. Шунингдек, “Яшил макон” умумийлик лойиҳасида ўз жонбозлигини кўрсатган 21-болалар музика ва санъат мактаби, ирригация, газ таъминоти ҳамда туман молия бўлимига ҳам туман Ҳокими қимматбахо совғалар топширди.

“Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашдир” деган бош эзгу гоъни ўзда мужассам этган тантананда маҳаллий санъаткорлар, жумладан, Ўзбекистон халқ бахшиси Расул Умиров термалари, туркманча, русча ва миллий фольклор-этнографик дасталарининг бадий, энгил атлетикачи, боксчи, кураш-

чи, волейболчи ўғил-қизларнинг кўрғамали чиқишлари намойиш қилинди.

–Музработликларнинг пешонаси ярқираганда, -деди курсдош ҳамкасбим, “Ишонч” телерадиоканиси муҳбири Сардорбек Лолаев. – Кеча қандай кун эди, бугун қандай кун! Яхши кунда ўтаётган байрамларингиз...

Дарҳақиқат, байрамимсан байрам бўлдида! Совуқдан кейинги қуёш нурули бирам эркалайди-ей! Меҳмон шеригимга андак мақтанган бўлдим: асли Сурхоннинг жануби – Музработда!

Маҳаллий аҳолининг қувончларига шерик бўлиш, янада кўтаринкилик улашиш мақсадида ташриф бўлган, элимиз суйган санъаткорлар – Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Маҳмуд Номозов ва хоразмлик хушовоз хонанда Севинч Исмоилова дилтортар тароналардан ижро қилдилар. Давомли карсақлар рақсларга улашиб кетди.



Катта концерт дастуридан сўнг куннинг иккинчи ярмида аънаанага кўра кураш мусобақасига ўрин берилди. Унда туманимиз ва вилоятимизнинг турли гўшаларидан келган полвонлар бел олишишди. Фолиблар турли совринларга эга бўлдилар.

Ҳа, бизда Йилбоши ана шундай тантана билан нишонланади. Зеро, шарқона янги йилни қандай кутиб олсанг, йил бўйи шу кайфият тарқ этмайди, барча ишларда баррака ёғилади.

Қадим ва навқирон Наврўз сайиллари маҳаллаларда, оилаларда ҳамда меҳнат жамоаларида давом этаверади.

**Сирожидин ҚУЛБОБОВЕВ.
“Muzrabot” газетаси муҳбири.
Муаллиф олган суратлар.**



Депутат фаолияти

Сайловчилар билан учрашув

Музработ тумани Хокими, 21-Гулистон сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутат Абдулла Маматкулов томонидан “Боги эрам” маҳалла фуқаролар йиғинида сайловчилар билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув давомида депутат томонидан 2025 йил мубайнида амалга оширилган депутатлик фаолияти юзасидан батафсил ҳисобот тақдим этилди. Хусусан, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, инфраструктуранинг яхшилаш ҳамда маҳаллаларда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Учрашувда маҳаллада яратилган шарт-шароитлар, ички йўллари таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атраф-муҳитни муҳофиза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида

ҳам тўхталиб ўтилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда оиласида ногирони бўлган фуқароларга кўрсатилаётган ёрдам, Ижтимоий реестрга киритилган оилалар билан ишлаш тизими, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”, шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳақида муфассал сўз юритилди.

Йиғилиш давомида фуқаролар томонидан кўтарилган муаммо ва тақлифлар эшитилиб, уларнинг саволларига мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан белгиланган тартибда батафсил жавоблар берилди. Билдирилган мурожаат ва тақлифлар асосида масъул раҳбарларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди ҳамда ижроси назоратга олинди.

Дилмурод ШЕРБОЕВ,
халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти раҳбари.

Спортга бўлган эътибор ўрганилди



Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу каби чора-тадбирлар ёшларнинг бўш вақтини маъмул ташкил этиш ва уларни спорт орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Маҳаллий кенгашлар депутати фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар асосида халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашига 14-Халқабод округидан сайланган депутат Отабек Олломуродов “Шаффоф” маҳалласи ҳудудида жойлашган 58-умумий ўрта таълим мактабида ўрганишлар олиб борди. Урганиш натижасида кўра мактабда ўқувчиларга тажрибали ўқитувчилар ҳар бир фан бўйича сифатли таълим бериб келишмоқда. Ўқувчилар бошқа фанлар сингари жисмоний тарбия фанидан спорт йўналишида сабоқ олиш билан бирга ташкил этилган тўғарақларга ҳам қатнашиб келмоқдалар.

Хусусан, соғлом турмуш тарзига йўналтириш борасида таълим муассасида ёшларнинг спорт дарсларида қатнашишлари ва тўғарақлар учун спорт анжумлари билан таъминланганлиги аниқланди. Спорт турлари бўйича 5 та йўналишда тўғарақлар ташкил этилган. Жумладан, волейбол, футбол, шахмат, шашка ва стол тенниси тўғарақларига 80 нафардан ортик ўқувчи ёшлар фаол иштирок этишмоқда.

Ўрганиш давомида депутат мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчи ва ишчи ходимлари иштирокида давра суҳбати ҳам ўтказди. Унда қатнашчилар давлатимизда ҳозирги кунда мактаб таълими соҳасида олиб борилаётган ишлар ва янгиликлар ҳақида маълумотлар берилди. Шундан сўнг депутатга мактаб ходимлари томонидан савол ва тақлифлар берилди. Бунга депутат ўзининг жавоби ва муносабатини билдириб, ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил гапириб ўтди.

Ш.ШОЙМАРДАНОВ,
халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти бош мутахассиси.

Мunosabat

Yangi O'zbekistonning ulkan kuchi

Yangi O'zbekiston taraqqiyotida yoshlar masalasi ustuvor ahamiyat kasb etayotgan bir davrda yurtimiz siyosiy hayotida yana bir muhim voqea ro'y berdi. Joriy yilning 24-fevral kuni Ko'ksaroy qarorgohida bo'lib o'tgan Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning yoshlar bilan ochiq mulqoti mamlakatimiz hayotida navbatdagi muhim burilish nuqtasi bo'ldi. Qoraqalpog'iston, barcha viloyatlar va Toshkent shahridan studiyalar orqali 60 mingdan ziyod yoshlar vakillari ishtirok etgan ushbu uchrashuv chin ma'noda xalq va davlat o'rtasidagi ochiq mulqotning yorqin namunasi sifatida tarixga kirdi.

Davlatimiz rahbari o'z nutqida alohida ta'kidlaganidek, bugungi kunda yurtimizda 22 milliondan ziyod yoshlar istiqomat qilmoqda. Bu shunchaki raqam emas – bu ulkan iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy salohiyatdir. Bu – Yangi O'zbekistonning tayanchi, ertangi kunimizning bunyodkor kuchidir.

Bugun dunyo shiddat bilan o'zgarayotgan bir paytda yoshlar ongini egallash uchun turli tahdid va xavf-xatarlar kuchaymoqda. Shunday murakkab sharoitda har bir vazir, hokim, oliyog' rektori, maktab va texnikum direktori yoshlar bilan ishlashni ustuvor vazifa sifatida ko'rish lozimligi alohida qayd etildi. Endilikda befarqlikka o'rin yo'q – har bir yoshning taqdiri, uning ta'limi, kasbi, bandligi va kelajagi uchun mas'uliyat yanada kuchayadi.

Haftaning payshanba kuni barcha vazirlik, idora va hokimliklarda “Yoshlar kuni” deb belgilanishi bu boradagi amaliy qadamdir. Endi mas'ullar kabinetda emas, mahalla, maktab va texnikumlarda bo'lib, yoshlarni eshitadi, ularning muammolarini joyida hal etadi. Bu – qoq'ozdagi hisobot emas, hayotiy natijaga yo'naltirilgan



tizimdir. Alohida e'tiborga molik jihat – mamlakatimizda har yili 600 ming nafar yosh mehnat bozoriga kirib kelmog'ga, 2030-yilga borib bu ko'rsatkich 1 millionga yetadi. Demak, yoshlarni ish bilan ta'minlash, ularni daromadli qilish davlat siyosatining eng muhim yo'nalishiga aylanmoqda.

Shu maqsadda joriy yildan “Kelajak tadbirkori” dasturining yo'lga qo'yilishi yoshlar uchun mislsiz imkoniyatdir. 7 yil muddatgacha 15 foizli kreditlar, o'zini o'zi band qilgan yoshlarga garovsiz 20 million so'mgacha, yangi biznes boshlayotganlarga 2 milliard so'mgacha, kamida 5 nafar bitiruvchilari ishga olgan tadbirkorlarga esa 10 milliard so'mgacha kredit ajratilishi – bu yoshlar orzularini real loyihaga aylantirish uchun mustahkam moliyaviy poydevordir.

Yana bir muhim tashabbus – “Mening birinchi kasbim” dasturi. Endilikda oliyog' bitiruvchilari stajirovka asosida tanlovdan o'tib, oyiga 2 million so'mgacha stipendiya oladi. Bu esa yosh mutaxassisning ilk qadamlarini dadil tashlashiga katta ko'mak bo'ladi. Tadbirkorlikni boshlayotgan yoshlarning 30 foizi biznes ko'nikmasi yetishmagani sababli

qiyinchilikka duch kelayotgani ham ochiq aytiladi. Shu bois hududlarda “Yoshlar biznes inkubatori” tashkil etilishi rejalashtirilmoqda. Bu maskanlar g'oyani biznesga aylantirish, marketing, buxgalteriya, bank tizimi, ichki va tashqi bozorlarga chiqish bo'yicha kompleks yordam ko'rsatadi. Ya'ni yoshlar nafaqat moliyaviy, balki bilim va tajriba jihatidan ham qo'llab-quvvatlanadi. Ushbu mulqot shuni yana bir bor isbotladiki, Yangi O'zbekiston yoshlar bilan va yoshlar uchun barpo etilmoqda. Yoshlar masalasi endilikda faqat ijtimoiy yo'nalish emas, balki davlat taraqqiyotining strategik ustuvor yo'nalishidir.

Men, Termiz davlat universiteti tyutori sifatida, bu tashabbuslarni yurtimiz yoshlariga bildirilgan yuksak ishonch va e'tibor deb bilaman. Zero, yoshlariga tayangan xalq hech qachon yutqazmaydi. Bugun ochilgan imkoniyat eshiklari ertangi buyuk marralarning boshlanishidir. Yoshlar – bizning eng katta boyligimiz, eng katta kuchimiz va eng katta umidimizdir. Endi bu ishonchni oqlash navbati bizga – yoshlarning o'ziga.

Jamshid NAZAROV,
Termiz davlat universiteti O'zbek filologiyasi fakulteti tyutori.

Yoshlar muammolari

ularni o'rganish va hal etish tizimi takomillashtiriladi

Vazirlar Mahakamasining 2026-yil 25-fevraldagi 78-son qarori bilan Hukumatning 2022-yil 7-iyundagi “Yoshlar muammolarini o'rganish va hal etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 312-son qaroriga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi.

Unga ko'ra, “Yoshlar daftari”ga doimiy yoki vaqtincha yashash joyi bo'yicha, 14 yoshga to'lgan va 30 yoshdan oshmagan (31 yoshga to'lmagan) quyidagi toifadagi yoshlar kiritiladi:

Ijtimoiy reyestrda kiritilgan oilalarning a'zolari;

oilasining oliyik daromadi oila a'zolarining har biriga minimal iste'mol xarajatlari

miqdorining 2 baravaridan ko'p bo'lmagan (jarrohlik amaliyotisiz davolanish va jarrohlik amaliyoti xarajatlarini qoplash yordami uchun).

Ariza beruvchi “Yoshlar daftari”ga kirish va ijtimoiy yordamlardan birini ko'rsatishni so'rab davlat xizmatlari markazi, Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (my.gov.uz) yoxud Yoshlar yagona elektron platformasi orqali murojaat qiladi.

“Yoshlar daftari” jamg'armasidan ko'rsatiladigan yordamlar individual reja muvofiq ijtimoiy shartnoma tuzish orqali taqdim etiladi.

Ijtimoiy shartnoma shartlarining bajarilishi Yoshlar yagona elektron platformasi

orqali avtomatik tarzda monitoring qilinadi.

Monitoring jarayonida ijtimoiy shartnomada belgilangan har bir shartning bajarilishi har oyda 100 balli tizimda baholanadi.

Barcha shartlar bo'yicha yig'ilgan ballarining umumiy yig'indisini shartlarning soniga bo'lgan holda o'rtacha ko'rsatkich aniqlanadi.

Kamida 6 oy davomida muntazam ijtimoiy shartnoma shartlarini “a'lo” darajada bajargan, o'rtacha oylik ko'rsatkichlari eng yuqori bo'lgan 1 000 nafargacha yoshlar har yili dekabr oyida bazaviy hisoblash miqdorining 3 baravari miqdorida pul mukofoti bilan taqdirlanadi.

Oybek QURBONOV,
tuman adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i.

Жиноят ва жазо

«Ошар»сиз қолган ҳашар

ликни чеклаш жазоси таъинланган эди. Орадан етти ой ўтиб Т.Насимов яна жиноят содир этди. Унга нисбатан мазкур суднинг ажримига кўра, ўталмай қолган 2 йил 11 ой 20 кун озодликни чеклаш жазоси шу мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Аниқроқ қилиб айтганда, муқаддам содир этган жиноят учун жавобгарликка тортилган эсада, Т.Насимов ўзига тегишли хулоса чиқармасдан такроран гиёҳвандлик воситаларини сақлаб келган. Кўча ёқасида жойлашган “Ақли бекат”ида сақлаётган “маҳсулот”нинг бир қисмини таниши Ж.Тўраев билан бирга баҳам кўриш мақсадида унга “сим қоқади”. Эски танишлар ҳасратлашгач, Ж.Тўра-



ев дўконнинг саришталаш билан ҳақиқатан ҳам ўзи билан қадрдон Т.Умаровни ҳам олиб бориш майини билдиради.

Ҳашар қинилдагидек ўтди, аммо “ошар”ида “чақирилмаган меҳмонлар”нинг ташрифи бангиларни шоши-

Истеъмолчи ҳуқуқи

Мурожаат ижобий ҳал этилди

Туманимизнинг Янгиер маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Р жорий йилнинг 30 январь куни Халқабод кўрғонига жойлашган “Ishonch” дўконидан 2 миллион 830 минг сўм нақд пул эвазига “Artel” русумли тоқда ишлайдиган газ плитасини сотиб олган.

Харид қилган маҳсулотнинг камчилиги чиқиб, истеъмолчи 4 февраль санасида дўконга қайтариб олиб борган. Аммо ҳаракатлари зое кетган. Мазкур муаммонинг ижобий ечими юзасидан фуқаро Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларининг “1091” қисқа рақамли ишонч телефонига мурожаат қилишнинг зори мумкин.

Ушбу мурожаат туман истеъмолчилар ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш жамияти ходимлари томонидан белгиланган тартибда ўрганилди. Урганиш натижасига кўра истеъмолчи ҳуқуқи қонун доирасида ҳимоя қилиниб, носоз маҳсулот учун тўлов қилинган 2 миллион 830 минг сўм пул маблағи эгасига қайтарилишида амалий кўмак берилди.

Маълумот ўрнида, фуқароларга шуни маълум қиламизки, агар юқоридаги каби ҳолатга дуч келсангиз Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерациясининг “1091” қисқа рақамли ишонч телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хайрулла ХОНИМОВ,
туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти аппарат раиси.

Хабарингиз борми?

Уй-жой субсидияси очилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 февралда “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ва кўп квартираларни қурилишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 29-сон фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлашнинг тасдиқланган мақсадли кўрсаткичлари доирасида аризаларни 16 март куни соат 09:00 дан бошлаб жўнатиш мумкин ва аризалар қабули 1 декабрга қадар давом этади. Аризаларни Давлат хизмат-

лари марказлари орқали борган ҳолда ёки Ягона портал (my.gov.uz) орқали маъсудан туриб топшириш мумкин.

Асосий талаб! Субсидия орқали уй-жой оламан деган талабдорларнинг ўртача ойлик даромади:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 2,7 бараваридан 8 бараваригача;

Тошкент шаҳрида – 2,7 бараваридан 9,2 бараваригача бўлиши керак.

Б.ИСЛОМОВ,
туман давлат хизматлари маркази директори.

Ишдан четлаштириш

қонунга хилоф равишда бўлса, унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳусусида

Меҳнат муносабатларида ҳодим турли қонунчилик ҳолатлардан ўзини қонунчилик доирасида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга саналади. Агарки, иш берувчининг хатти-ҳаракатларида ҳодимга нисбатан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари мавжуд бўлса, ҳодим биринчи навбатда, касбаба уюшмаси раиси номига ёки судга ёзма шаклда ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўзини қонунга хилоф равишда ишдан четлаштирилган деб ҳисобловчи ҳодим ишдан четлаштирилиши устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин. Қонунга хилоф равишда ишдан четлаштирилган ҳодимнинг унга аввалги ишини тақдим этиш ҳамда ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий эънини (агар қонунга хилоф равишда ишдан четлаштириш сабабли ҳодим маънавий ёки жисмоний азоблар етказилган бўлса) компенсация қилиш тўғрисидаги талаблари қаноатлантирилиши лозим. Меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида ҳодимни ишдан четлаштиришнинг

қонунийлигини исботлаш ва зифаси иш берувчининг зиммасига, ҳодим ваколатли давлат органларининг талабига кўра ишдан четлаштирилган ҳолларда эса ҳодимни ишдан четлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли давлат органининг зиммасига юклатилади.

Агар ҳодим иш берувчи томонидан қонунга хилоф равишда ишдан четлаштирилган бўлса, бундай ҳодимга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий эънини компенсация қилиш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади. Ваҳоланки, ҳодим ваколатли давлат органларининг талабига кўра қонунга хилоф равишда ишдан четлаштирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан ҳодимга етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланади ҳамда маънавий эъни компенсация қилинади, кейинчалик айбдор шахслардан регресс тартибда ундирилади.

Н.СОТТАРОВ,
туман давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи.

га оид кимёвий экспертиза хулосасига кўра, соф вазни 0,39 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ИИБ ходимлари томонидан ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган. Шунингдек, мазкур “Ақли бекат”нинг ички қисми кўздан кечирилганда, шафнинг ичида қурилиш пичоғи бўлиб, ушбу пичоқнинг металл қисмида соф вазни 0.0089 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланган.

Бу галги қилмиши учун Турдимурод Насимовга суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ҳукми билан таъинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиб, узил-кесил 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланди.

Сирожиддин ҚУЛБОЕВ.



Камбағалликдан фаровонлик сари

Муваққат комиссия йиғилиши

Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳузурдаги камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ масалалар бўйича муваққат комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унга комиссия аъзолари, туман Кенгашининг барча доимий комиссиялари раислари, ҳисобот берувчи мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок эттиди.

Йиғилишда халқ депутатлари туман Кенгаши ҳузурдаги камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ масалалар бўйича муваққат комиссия иш режасига асосан туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими бошлиғи

Ж.Тўраназаров маъруза қилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида" 2024 йил 23 сентябрдаги ПФ-143-сон фармони ва "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда амалга оширилган ишлар бўйича ахборот берилди.

Йиғилишга тақдим этилган ахборотда 2025 йилда барқарор

бандлик, таълим ва касб-хунарга ўқитиш, кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш йўналишларида ҳамда "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар хусусида, шунингдек, 2026 йилда бажариладиган вазифалар ҳақида маълумотлар берилди. Улар юзасидан комиссия аъзолари ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдирдилар. Таъкидландики, ҳар ойда комиссия мажлисларида камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ижросини таъминлаш борасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва тумандаги тегишли масъул ташкилот раҳбарлари томонидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилиб борилди. Шунингдек, мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарларининг мазкур йўналишдаги фаолияти тўғрисида ахборотлар эшитилиб борилди.

мақсадига о'тказилди.

Tanlovda tumandagi 1-maktab 9-"A" sinfining iqtidorli o'quvchi qizlari faol ishtirok etib, o'zlarining bilimlari, iste'dodlari va ijodiy chiqishlari bilan ajralib turdilar. Qizlarimiz 4 ta shart bo'yicha bellashishdi. Natijalarga ko'ra 1-o'rinni Mehrangiz Ziyodullayeva, 2-o'rinni Rayhona Jabborova, 3-o'rinni Nafisa Menglimahmatova, 4-o'rinni Aziza Xurramova egalladilar. Yakunda g'olib va faol ishtirokchilar "Tashakkurnoma" hamda esdalik sovg'alari bilan taqdirlandilar.

Bunday tadbirlar yoshlar qalbida ayollarga hurmat, ehtirom va qadrlash tuyg'ularini yanada mustahkamlashga xizmat qiladi.

Sadoqat OLTIBOYEVA, tuman axborot-kutubxonasi mutaxassisi.

Ayollarni e'zozlash oyligi

«BALLI, QIZLAR»



Tuman axborot-kutubxonasi markazi xodimlari tomonidan "Ayolga hurmat - jamiyatga hurmat" shiori ostida "Balli qizlar" ko'rik-tanlovi tashkil etildi.

Mazkur tadbir qizlarning bilim va iste'dodini namoyon etish, ularni faollikka undash hamda ayollarga bo'lgan hurmat-ehtiromni yanada yuksaltirish

Ma'naviy-ma'rifiy tadbir

Tuman axborot-kutubxonasi markazida "Ayollarni e'zozlash oyligi" va Zulfiyaxonim tavalludining 111 yilligi munosabati bilan "Vafo va sadoqat kuychisi" shiori ostida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi.

Tadbirda tumanning 13-DMTT tarbiyalanuvchilari hamda 1-maktabning 6-sinf o'quvchilari faol ishtirok etdi. Tadbir davomida Zulfiyaxonimning hayoti va ijodi, uning she'rlari bilan kuylanadigan qo'shiqlar orqali milliy madaniyat va ma'naviyatni targ'ib qilishdagi o'rni haqida qiziqarli ma'lumotlar berildi.

Shuningdek, ishtirokchilar kuychilik merosi, ma'naviy qadriyatlar va sadoqat tuyg'ulari bilan bog'liq sahna ko'rinishlarini



namoyish etishdi. Bu yoshlar qalbida milliy g'urur, hurmat va vatanparvarlik ruhini mustahkamlashga xizmat qilishi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Tadbir kitoblar ko'rgazmasi bilan interaktiv savol-javoblar bilan

boyitilib, o'quvchilarni kitobxonlik va san'atga bo'lgan qiziqishini oshirdi.

Yuldus MAHMUDOVA, tuman axborot-kutubxonasi markazi xodimi.

Kitob javoninisizga

Ёш китобхонлар учун бетакрор тухфа

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистон нашриёти" давлат муассасаси томонидан 2025 йилда "Буюклар болалиги" ижтимоий лойиҳаси асосида "Буюклар ҳаёти - ёшларга ибрат" шiori ostida 13 номдаги китоб нашр этилди. Улар шонли тарихимизни ўз ибратли ҳаёти билан беазаган Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Беруний, Ибн Сино, Пахлавон Махмуд, Бибиҳоним, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний каби алломалар ҳақида ҳикоя қилади.

Шулардан бири - мактабга-ча ва мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган "Султон Жалолиддин Шайх Кубро" тарихий достони болалар шоири Нуруллоҳ Остон қаламига мансуб бўлиб, энгил ўқилиши ва болалар томонидан қийналмасдан идрок қилиниши жиҳатидан аҳамиятлидир. Муаллиф ўша давр тарихий воқелигини чуқур ўргангани, бунинг учун ўша даврда турли тарихчи ва ижодкорлар томонидан ёзилган манбаларга мурожаат қилгани асарда аққол сезилади.

Шоир ва публицисти Нуруллоҳ Остон ижодининг асосий йўналиши мактабга-ча ва мактаб ёшидаги болаларга қаратилган бўлиб, шеърларида кичкинтойларнинг соф туйғулари, бегубор хатти-ҳаракатлари, она-наларига, дўстларига муносабати пишиқ-иччам сатрларда очиб берилди. Кутатувчан

шоир болалар дунёсига хос хусусиятларни ёрқин тасвирларда беради, ранг-баранг шеърлар содда ва раван тилда ёзилади болалар боис ўқувчини ўзига жалб этади. Шу маънода мактаб ёшидаги болалар учун яратилган "Султон Жалолиддин Шайх Кубро" тарихий достони композицияси яхлитлиги, ундаги мавзуларнинг тизимлилиги, изчиллиги ҳамда бир-бирига боғлиқлиги билан ажралиб туради.

Достонда XIII аср бошларида Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинларининг Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлик қилаётган салтанатга бостириб кириши, Хоразмшоҳнинг фарзанди, тахт вориси султон Жалолиддин Мангубердининг душманга қарши мардонавор ва жасорат билан кураш олиб боргани, ёв қўшинлари салтанат пойтахти бўлган Урганч шаҳрига бостириб кирганида валийлар валийсиз, 76 ёшли

шахў Нажмиддин Кубронинг 360 мурди билан уларга қарши қилин кўтариб жанг қилганлари қаламга олинган. Шунингдек, шахў Нажмиддин Кубронинг кароматлари ва жангдаги жасоратларини тасвирлаган Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг асарларидан иқтибослар келтирилган.

Достон поёнида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 29 августда Урганчда 25 метрлик ҳайкали ўрнатилган султон Жалолиддин Мангуберди ёдгорилиги мажмуаси очилиши муносабати билан Ватан, миллат озодлиги учун курашган буюк саркарда ҳамда Нажмиддин Кубродек аллома аждодларимиз руҳига хурмат бажо келтиргани, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга чорловлари келтирилади. Ушбу достон Хоразм заминидан етишиб чиққан, ўтган йили халқаро миқёсда нишонланган султон Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 825 йиллиги, Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги ҳамда шахў Нажмиддин Кубро таваллудининг 880 йиллигига бағишланади. Асар мактаб ўқувчилари ҳамда катта ёшдаги китобхонларга ҳам манзур бўлиши шубҳасиз.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Гулбахор келди

Бугун борлиқ бошқача, Чирой очган тошгача, Яйрар кекса-ёшгача - Ахир келди гулбахор.

Кеча борлиқ "қир" эди, Совуқ жуда сур эди, Гийёҳи йўқ қир эди, Мана, келди гулбахор.

Аввал бодом гуллади, Майсалар шод кулади, Насим оқ йўл тилади - Қулчоқ ёйди гулбахор.

Боқиб сира тўймайман, Нафис уйлар ўйлайман, Юрт чиройин куйлайман - Яна келди гулбахор.

Дил губори кетади, Тоғлар мафтун этади, Кунлар шодон ўтади, Ахир атроф гул, баҳор! **Аҳмад БОЛИБЕКОВ.**

UMR

Men umrni ko'rmay qolibman, Yonginamdan o'tib ketibdi. Sochlarimga oqlarni solib, Nuroniy, deb aytib ketibdi.

Poyoni yo'q umr yo'llari, Qalbi daryo ochiq qo'llari. So'limasin hech umr gullari, Men umrni ko'rmay qolibman.

Umr o'tar oqar daryolar, Taqdir ekan umr savdolar, O'rtda qolsin barcha g'avg'olar, Men umrni ko'rmay qolibman.

Taqdir meni shunchalar siylab, Hayotimni bitib ketibdi. Qo'llaringiz qalamni tutib, Ash'or yoz, deb aytib ketibdi. **Yo'ldosh ABRAYEV.**

Rухимда бир ажиб галаён, Қоним яна жўш урди танда. Юракка-да шонли тўполон, Келдимикан кўклам Ватанга.

Кушлар учиб келдилар тақрор, Боғларда шўх наво таралди. Ер-у кўкни ашнатиб баҳор, Олам яна қайта яралди.

Шеърим

Onajonim, qaylardasiz-ey?!

Dardlarimni she'r aylab yig'ladim, Mehringizni qo'msab yig'ladim. Bugun sizni eslab yig'ladim, Onajonim, qaylardasiz-ey?!

Sizga o'xshash ayolni ko'rsam, Deyman bir bor qo'lini o'psam. Sog'inchlardan kichrayar jussam. Onajonim, qaylardasiz-ey?!

Qaldirg'ochlar ketdilar tashlab, Kelaman deb onangni boshlab. Kutaverib ko'zlarim yoshlab, Onajonim, qaylardasiz-ey?!

Sojida RAHIMOVA, 30-umumiy o'rta ta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

Baxtinga siz doim bor bo'ling

Onajonim, jon fido sizga, Har bir kunim boshlanar sizdan. Ko'zlaringiz mehri dunyoyim, Borlingiz baxtimdir, doim.

Qo'llaringiz taftli va mayin, Silar har kun boshimni tayin. G'am kelsa ham siz bor bo'lsangiz, Yuragimda yo'qdir hech dog', iz.

Charos XUSHBAQOVA, 13-maktabning 9-sinf o'quvchisi.

Kulgingizdan dunyo yasharar, Qalbm go'yo obod bir shahar. Sizning shirin kulgan yuzingiz, Kuch beradi aytgan so'zingiz.

Sizdek do'st yo'q, sizdek suyanch yo'q, Duoingiz panoh, xislat ko'p. Onajonim, doim sog' bo'ling, Baxtinga siz doim bor bo'ling.

Charos XUSHBAQOVA, 13-maktabning 9-sinf o'quvchisi.

Кўшиқчилар юртидир Музработ бу - Музработ, Музработнинг маркази Халқободдир Халқобод.

Навбахорда очилар гуллар чаман, алвони, Элимизнинг бор эрур номдор Шоди полвони. Майдонда кўринади кучи Шоди жавлони, Полвонларнинг юртидир Музработ бу-Музработ, Музработнинг маркази Халқободдир Халқобод.

Эллик етти навқирон муборак ёшинг дейман, Ўжасл осмон қадар, гам кўрмасин бошинг дейман. Ривожланиш йўлида Ҳоким йўлбошинг дейман, Гулшаним, бағри баҳор Музработ бу-Музработ, Музработнинг маркази Халқободдир Халқобод. **Чори МИРЗАЕВ,** Меҳнатобод маҳалласи.

НАВБАҲОР ТАШРИФИ

Ночор қолган қорлар эриди, Майсаларнинг рафторларида. Тунглаб қолган сирлар бор эди, Таралди дил дуторларида.

Юлдуз ердан аксини топди, Милитиллади унга бойчечак. Аҳмон-Даҳмон озғини ёпди, Гуллаб кетди ҳар томон чечак.

Қиқрайди қизғалдоқ кизим, Яноғидан офтоб кулади. Маҳнунтолдек шаррора синглим, Сочларига попуқ улади.

Баҳор, борлиқ сеники, буткул, Бор меҳрингни сочавер ерга. Ҳарир қўйлақ кийган, бодомгул, Кел, кўнглингни очавер менга. **Сироҷиддин ҚУЛБОБОВЕВ.**



-Мақтанаяпти демангу раис, - деди ёнимга жойлашган киши салмоқ билан. - Баъзи давракашларга ўхшаб чегарадан чиқиб кетмадингиз. Сўз беришдям, шеър ўқишдям меъёрга амал қилдингиз. -Энди ака, баҳоли кудрат, қўлдан келганчада, - дедим сиполик билан мақтов и ёққанини билдирмасликка уриниб. - Устозларимиз шундай йўл-йўриқ беришган.

-Барақалла устоз насихатини ёдда тутаркансиз, асло кам бўлмайсиз, - Ҳамроҳим кулимсираганча гапида давом этди. - Халқимизнинг ажойиб бир мақоли борку, нимаиди, ҳа, "устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар".

Англадимки, суҳбатдошим жўн одамлардан эмас. Кейинги гапи бундан далолат бермоқда эди. Менга унинг бу сўзлари замирида "қоса тағида ним қоса" дейишганидай қизиқ бир хангома бордек туюлади.

Бу орада олдингилар кўзгалғач, машинамиз йўлга тушди. Мен қалин оғайимнинг ўғил тўйидан қайтардим. Ҳамроҳим ўзи гап очиб қолар деган илнжда бироз кутдим. Йўқ, у атрофни томоша қилиб борар, афтидан табиатдан завқ олаётганди. Охири сабрим чидамай гап қовладим.

-Бояги сўзингизга қара-

ганда, давракашларнинг кўпини кўрганга ўхшайсиз. Тўғрими? -Топдингиз, - деб жавоб берди у табассум билан. - Айниқса, биттаси билан бўлган воқеа сираям эсдан чиқмайди. У маҳаллар ҳозиргидай тўйхоналар йўқ.

даги Зафар раиснинг эса, жағи ҳеч ёпилмайди. Мақтангани мақтанган. "Э, Худо,- дейман ичимда. Тезроқ шаҳарга етаколсайдиқ. Одам зот минг оғиз тинимсиз гапирса ўлади, дейишганлари ёлғон эканда". Йўлнинг ярмига келиб чарчадимми ё га-

-Раис ака, битта тўртлик айтиб беринг. - деб қолса бўлади. Зафарбойга ҳам худди шу туртки керак бўлиб турганан шартта шеърни тўқиб ташлади:

Минганинг "Нива" экан, Ичганинг пиво экан. Билдим энанг бева экан Севиб қолдим энангни мен. Ҳайдовчи миқ этмади.

Ана шу индамасликнинг бир салоси борлигини кўнглим белоси. Яна анчагина йўл босди. Очиги, тўй тантанасидан хориб-чарчаб қикдим. Ошанминг таваллосига кўнмай уйга қайтадиган бўлдим. Ноилож қолиб, давракашни олиб қайтадиган уловга миндириб жўнатди. Тоғдан эниб келяпмиз. Чор-атроф қалин қор. Ёним-

-Акалар, айбга буюрмайсизлар. Машинани сал итариб юборинглар.

Бундай танг ҳолатда ҳайдовчининг амри вожиб бўлади. Тапур-тапур тушдигу улвини зўр бериб кўзгагаша тўтиндик. Машинани анча жойга гача силкина-силкина силжиб бордида бирдан гуриллаб ишлаб кетдиам, физиллаб жўнадиам. Ҳай-ҳайлаганча қолавердик. Қаҳратон совуқда олисда митираётган чироқлар томон пойи пиёда йўлга тушдик. Ёнимдаги "булбулигўё" чурқ этолмайди. Ҳансираганча ортимдан қолмай лўкиллаганча келаётми. Ҳунобим ошгандан ошган. Агар бир оғиз "ғинг" деса азбаройи Худо дўппослашим аниқ. Икки соатлар юргач, ортимиздан битта машина келиб қолди. Ула-диган хўккиз болтадан қайтмас, деганидай йўл ўртасида туриб олди. Яхши одамга учрабмиз. Раҳми келиб машинасига чиқариб олди. Шу тариха шаҳарга бир амаллаб етиб олдик.

Шу-шу давракашлар билан учрашиб қолсам қаҳратон қишда тентираганим эсимга тушади. Аъзойи баданим совуқдан жунжикиб кетгандек бўлади. Халқимизнинг "Улфатинг қарға бўлса емишинг гўнг бўлади", деган мақоли зап топиб айтилганда.

Маматқурбон ХОЛМИРЗАЕВ.